ЧИТАЛЬНОГО ЗАЛА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (7638)

16 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарори (1 ва 2-нчи бетлар).

Ф. Васигов, Д. Бородин. — Сайловчиларнинг наказларини бажариш — маҳаллий Совет депутатларининг вазифаси, (2-нчи бет).

АДАБИЁТ САҲИФАСИ: **Ҳамид Гулом.** — Ҳамзаободда (3-нчи бет).

Ислом Назаров. — Тинчлик посбони (3-нчи бет).

А. Раҳмат. — Тинчлик учун (3-нчи бет).

Собир Абдулла. — Ўзбекистон (3-нчи бет).

Хавфсизлик Советининг 14 августдаги мажлиси (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Студентларнинг иккинчи жаҳон конгресси очилди (4-нчи бет).

Пойтахтимизда (4-нчи бет).

Пахта йиғим-теримига большевикча тайёргарлик блан киришайлик

Бугун «Қизил Ўзбекистон» газетасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида» деб чиқарган қарори эълон қилинмоқда. Бу қарорда республикамизнинг колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини ўз вақтида, нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда барча муҳим тадбирлар белгилаб берилган.

Республикамизнинг пахтакорлари шу йилнинг бошида ўзларининг VI қурултойига тўпланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳақида ўртоқ Сталинга мактуб ёзган эдилар. Улар бу мактубда олинган мажбуриятни тўла адо этиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Колхоз ва совхозларнинг далаларида ҳарқачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ғўза туплари да етилаётган ва кундан-кун тўлишаётган сон-саноқсиз кўсаклар пахтакорларнинг партия, ҳукуматимиз, доҳимиз ўртоқ Сталин олдида олган ўз мажбуриятларини тўла ва ошиғи блан бажаришларига катта ишонч туғдирмоқда. Эндиги вазифа партия, ҳукумат қарорида кўрсатилганидек август ойида ғўза парваришини сусайтирмасдан давом этдириш блан бирга, ҳарбир колхоз ва совхозда ҳосилни йиғиб-териб олиш ва топширишга пухта тайёрланишдан, бу ишларни ўз вақтида юқори сифатли қилиб ўтказишдан, ҳарбир колхоз ва совхознинг 1950 йилда кўп пахта етиштириш юзасидан олган мажбуриятини бажариш учун социалистик мусобақани янада кучайтириб юборишдан иборатдир.

Бу йил пахта ҳосилининг мўл бўлиши уни йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш ишларини большевикча уюшқоқлик ва эҳтиёткорлик блан ўтказишни талаб этади. Ўтган йили ҳосилни йиғиб-териб олиш кеч бошланиши ва уюшқоқлик блан олиб борилмаслиги натижасида, кузги совуқ ва ёғингарчиликлар бошланиб кетгач, пахтанинг талайгина ҳосили нобуд бўлди. Бу йил ана шу хаотикларнинг такрорланмаслиги учун ғўза парваришини муваффақиятли тугаллаш, пахта тайёрлашни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш юзасидан ҳамма тайёргарлик ишларини пухта уюштириш зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг ўз қарорларида пахта йиғим-терими га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан партия, совет ташкилотлари, пахтачилик ва қишлоқ хўжалик министрлигининг органлари, тайёрлаш системасининг ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун ҳарбир колхоз ва совхозда ҳосилни териш ва давлатга топшириш ишларининг батафсил плани тузилиши, бу планда қўшимча ишчи кучлари ва транспорт воситаларини ажратиш нўзда тутилиши, 20 августдан кечикмай бу планлар колхозчилар ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиниши лозим.

Пахта йиғим-терими кўп ишчи кучи талаб қиладиган иш. Бунинг учун барча ресурс ва воситалардан усталик блан фойдаланиш керак. Пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма нарсани ўз вақтида тайёрлаб қўйиш лозим. Бунинг учун бригада, звеоларда хирмон жойларини ҳозирлаш, омборларни, йўл-кўприкларни ремонт қилиш, от-араваларни ҳозирлаш, тошларози, қоп-қанор ва этакларни етарли миқдорда тахт қилиб қўйиш талаб этилади. Область ва район партия, совет ташкилотлари, пахтачилик министрлигининг органлари колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг йиғим-теримга ва пахта тайёрлашга қандай ҳозирланганликларини 25 августгача текшириб чиқиб, бу соҳада аниқланган камчиликларни дарҳол тугатиш тадбирларини кўришлари зарур.

Пахта йиғим-теримида колхоз ва совхозларда меҳнатни тўғри уюштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Теримнинг дастлабки кунлариданоқ колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумли ишлаши учун улар ўртасида социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтириш керак. Терим даврида колхозчиларга зарур иш шароити яратиб берилиши лозим. Теримда ишловчи болали хотинларнинг болалари учун ясли, боғча ва майдончалар ташкил қилиш зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бу йилги мавсумда очилган кўсакларнинг миқдори ва пахта нав'ларига қараб теримнинг дастлабки даври учун ҳарбир теримчига 50 дан 60 килограммгача, пахта ёппасига очилган даврда 65 дан 85 килограммгача териш нормаси белгилади. Шу блан бирга ҳарбир теримчининг мавсумда 3—4 тонна пахта теришини асосий вазифа қилиб қўйди. Бунга эришиш учун партия, совет ташкилотлари теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтиришга, 5—7—10 мингчилар ҳаракатини барча теримчиларнинг оммавий ҳаракатига айлантиришга бошчилик қилишлари керак. Теримчиларни рағбатлантириш мақсадида партия, ҳукумат қарорида кўрсатилганидек, нормадан ортиқча терилган пахта учун қўшимча меҳнат куни ёзиш, колхозчиларга ўз вақтида аванс бериб туриш ишлари тўғри ўтказилиши лозим.

Бу йил республикамизнинг анчагина далаларидаги пахта ҳосили машина блан териб олинади. Пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган бу машиналардан унумли фойдаланиш энг муҳим вазифалардан биридир. Машина блан териладиган участкаларни тўғри ажратиш, бу участкаларда машиналарнинг яхши ишлаши ва пахтани юқори сифатли қилиб териши учун ҳамма шароитларни яратиб бериш керак.

Пахтани сортларга ажратиб теришга қаттиқ риоя қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ва мас'улиятли ишдир. Шунинг учун партия, ҳукумат бу йил пахтанинг камида 80 процентини отбор ва биринчи, иккинчи сортлар блан, шу жумладан сентябрь ойида фақат отбор ва биринчи сорт блан териш ва давлатга топширишни энг муҳим ва мажбурий шарт қилиб қўйди. Бунга эришиш учун теримга тушиш олдидан барча теримчиларни пахтанинг сортлари блан таништириш, уларга хиллаб теришни ўргатиш, отбор ва биринчи сорт пахта терганлик учун қўшимча меҳнат куни ёзилажагини яхшилаб тушунтириш керак. Теримчилардан пахтани қабул қилиб олиш учун пахта сортини яхши биладиган тажрибакор кишилар ажратилиши лозим. Пахтани териш, ташиш ва тайёрлаш пунктларига топширишда нобудгарчиликка қарши кураш — барча пахтакорлар ва бутун жамоатчиликнинг энг муҳим бурчидир. Партия ва комсомол ташкилотлари тўкилган пахталарни териш, пахтанинг ўғирланиши, сифатининг бузилишига йўл қўймаслик, пахта ҳосилини ёғингандан сақлаш учун зарур чораларнинг кўрилишини таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети йиғим-терим даврида пахтакорларга маданий-маиший хизматни ҳартарафлама кучайтириш мақсадида маданий-оқартув муассасалари, савдо ташкилотлари ва айрим министрликлар зиммасига тегишли вазифалар юклади. Пахта йиғим-теримида ҳарбир ташкилот ўз йўли блан пахтакорларга ёрдам бериши, республикамизда пахта тайёрлаш давлат планининг тўла ва ошириб бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши керак.

Пахта йиғим-терими даврида колхоз, совхоз ва МТС партия ташкилотларининг актив қатнашиб, ҳосилни йиғиб-териб олишда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ватанпарварлик ташаббусига бошчилик қилиш катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Бошланғич партия ташкилотлари пахта йиғим-теримида актив қатнашиш учун аниқ иш план тузиб чиқишлари, бу планда коммунист ва комсомолларни энг муҳим участкаларга биркитиб, уларнинг чинакам авангард бўлишларини таъмин этишлари лозим. Теримда ишловчи колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини олиб бориш, социалистик мусобақани кучайтиришга раҳбарлик қилиш партия ва комсомол ташкилотларининг жонажон ишидир.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарорини барча пахтакорларга етказишлари ва уни бажариш юзасидан амалий тадбирлар ишлабчиқишлари керак. Пахта йиғим-теримига большевикча тайёргарлик блан киришиб, мўл ҳосилни уюшқоқлик блан йиғиб-териб олайлик. 1950 йилда мамлакатга ҳарқачонгидан ҳам кўп пахта етказиб бериш учун улуғ доҳимиз ўртоқ Сталинга берилган ва'дани шараф блан бажарайлик.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига

Йиллик план 7 ноябрьда бажарилади

Марғилон шаҳридаги «Байналмилал» артелининг а'золари Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқдалар. Ярим йиллик планни 160—250 процент бажарган стахановчилардан М. Қаҳҳорова, А. Данилова, Умарҳоева, Теплякова, Петрова ўртоқлар кунлик топшириқни мунтазам суратда ошириб бажариб, нуқул а'ло сифатли атлас тўқимоқдалар.

Артельда а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручилар сони 60 дан ошади. Булардан Хожар Хазиева 6 ойлик пландан ташқари 2.134 метр, Сапура Абдуллаева 3.630 метр а'ло сифатли маҳсулот топширдилар.

Артельчилар июль ойида ҳам фидокорона ишлаб, планни 111,8 процент бажаришга муваффақ бўлдилар. Артель коллективи йиллик планни 7 ноябрьгача бажариш учун курашмоқда.

У. ТУРСУНОВ.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ бешинчи сессиясига келган депутатлар шу йил 17 август эрталаб соат 10 дан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида (Ҳукумат уйи, 2-нчи под'езд) рўйхатга олинадилар.

1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарори

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини огоҳлантирадиларки, ўтган йиллардагига қараганда анча кўп пахтани териш ва тайёрлаш лозим бўлган бу йилги шароитда ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўйиш ярамайди, ўтган йили ҳосилни йиғиб-териб олиш кечикиб бошланди ва уюшқоқлик блан олиб борилмади, бу эса совуқ ва ёғингарчилик бошланиши натижасида талай миқдорда пахтанинг нобуд бўлишига олиб келди.

Ғўза парваришини муваффақиятли тугаллаш, пахта тайёрлашни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш юзасидан бўлган ҳамма тайёргарлик ишларини бажариш учун барча меҳнат имкониятлари ва моддий техник воситаларидан тўла ҳамда унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши, нобудгарчиликка қарши қат'ий кураш олиб борилиши, пахтани қўсакларнинг очилишига қараб саноат сортлари бўйича пешма-пеш териб бориш та'минланиши зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети **қарор қиладилар:**

I. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва топширишга тайёрланиш

1. Ўзбекистон ССР Пахтачилик ва Қишлоқ хўжалик министрликларига, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) ҳарбир колхоз ва совхозда пахта ҳосилини териш ва давлатга топшириш соҳасидаги ишларни уюштириш юзасидан батафсил план тузилсин, бу планда қўшимча ишчи кучларини ва транспорт воситаларини жалб қилиш нўзда тутилсин ҳамда бу планлар 20 августдан кечикмай колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилинсин;

б) ҳарбир колхоз ва совхозда 25 августдан кечикмай зарур миқдорда бригада ва звено хирмонлари тахт қилиб қўйилсин, шунингдек ҳамма омборларни ремонт қилиш, тозалаш ва дезинфекция қилиш тамомлансин ҳамда улар янги пахта ҳосилини қабул қилишга тўла тахт қилиб қўйилсин;

в) колхоз ва совхозларда мавжуд сушилкалар ремонт қилинсин ва янги пахта сушилкалари қурилсин, бу иш 15 сентябрьдан кечикмай тамомлансин. Пахта сушилкалари зарур миқдорда ёқилғи блан та'минлансин;

г) 1 октябрьгача 3061 та қўрак чувиш машинаси, шу жумладан машина блан терилган пахтани тозалаш учун шу йил 10 сентябрьгача 1937 та қўрак чувиш машинаси тахт қилиб қўйилсин;

д) барча колхоз ва совхозларда пахта йиғим-терими бошлангунча аравалар, бричкалар, тош-тарозилар, йўллар, кўприкларни ремонт қилиш тамомлансин, шунингдек от-улов пахта ташиш учун тайёрлаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига колхоз ва совхозларнинг шунингдек тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг йиғим-теримига ва пахта тайёрлашга ҳозирлигини 15 августдан 25 августгача бўлган даврда текшириб чиқиш ҳамда текшириш вақтида аниқланган камчиликларни тугатиш тадбирларини кўриш мажбурияти юклансин.

3. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига пахтани сортларга ажратиб алоҳида-алоҳида териш учун пахтакор колхозларга 20 августгача этаклар сотиш ва пахтани тайёрлаш пунктларига ташиш учун колхоз ҳамда совхозларга қоп-қанор етказиб бериш мажбурияти юклансин.

4. «Ўзбекбирлашув»га, «Востокзагот зерно», «Главлегсбит» ва «Главрастжирмасло» республика конторларига, топшириладиган пахта эвазига колхозларга сотиш учун зарур миқдорда ғалла, саноат ва озиқ-овқат молларини 15 сентябрьгача ўз базалари ва савдо шохобчаларига келтириб қўйишни та'минлаш мажбурияти юклансин.

5. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига ҳамма автомобильларни, улардан пахта ташишда мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш учун пахта йиғим-терими бошлангунча тахт қилиб қўйиш мажбурияти юклансин.

Область ижроия комитетларига пахта йиғим-терими бошлангунча колхозлардаги автотранспортнинг аҳволини текшириб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги корхоналарида ҳамда областьнинг бошқа корхоналарида колхоз автомашиналарини ремонт қилишни уюштириш топширилсин.

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг транспорт группасига республика территориясидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишлаб турган юк автотранспортидан пахта йиғим-терими даврида фойдаланиш юзасидан ўз таклифларини шу йил 15 августгача Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

II. Пахта теримида меҳнатни уюштириш

7. Ўзбекистон ССР Пахтачилик ва Қишлоқ хўжалик министрликларига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) пахта теримида дастлабки кунларданоқ колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумли ишлашига эришилсин.

Социалистик мусобақани кенг кучайтириш ва СССР Министрлар Советининг «Колхозларда меҳнатнинг уюштирилишини яхшилаш, меҳнат унумини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш тадбирлари тўғрисида» 1948 йил 19 апрельда чиқарган қарорини сўзсиз бажариш асосида ҳарбир колхозчининг ва совхоз ишчисининг белгиланган иш нормасини тўла ва ошириб бажариши та'минлансин;

б) теримда ишловчи колхозчилар ва совхоз ишчиларининг даставвал, ёш болалари бўлган теримчи хотинларнинг унумли ишлаши учун бутун зарур шароит яратиб берилсин, бунинг учун ҳарбир колхоз ва совхозда болалар ясслари, болалар боғчалари ва майдончалари ташкил қилинсин, шунингдек иссиқ овқат уюштирилсин.

8. Колхоз правленияларига пахта теримида, терим даврига ва очилган кўсакларнинг миқдорига қараб, узунлиги ўртача толали пахта нав'ларини териш учун қуйидаги кунлик нормалар белгилаш тавсия қилинсин:

а) пахта очилишининг дастлабки даврида 50 килограммдан 60 килограммгача;

б) пахта ёппасига очилган даврда 65 килограммдан 85 килограммгача;

в) совуқ тушгандан кейин ярим очилган пахтани теришда 25 килограммдан 30 килограммгача;

г) қўрак теришда 100 килограммдан 120 килограммгача;

д) қўрак чувишда (пахта ҳисоби блан) 20 килограммдан 25 килограммгача.

Ингичка толали пахта нав'ларини териш нормаси узунлиги ўртача толали пахтани териш нормасидан 20 процент кам белгилансин, уруғлик пахтани териш нормаси эса одатдагидан 20 процент камроқ белгилансин.

Колхоз правленияларига ҳарбир теримчи учун мавсумда 3 — 4 тонна пахта териш нормаси белгилаш тавсия қилинсин, бу нормадан ортиқча терилган пахта учун бир ярим баравар меҳнат куни ёзилсин.

Партия ва совет ташкилотларига бешмингчилар, еттимингчилар ва ўнмингчилар ҳаракатини ҳартарафлама оммалаштириш ҳамда колхоз ва совхозларда мавсум давомида теримнинг сифатининг ҳамма талабларига мувофиқ шу миқдорда пахта териш учун социалистик мусобақани уюштириш мажбурияти юклансин.

9. Пахта йиғим-терими ва пахта топшириш тамом бўлгунча колхозлар, МТС ва совхозлардаги ишчи кучларини ҳамда транспорт воситаларини пахта терими ва давлатга пахта топшириш блан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб қилиш тақиқлансин.

10. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига ва Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) барча колхоз ва совхозларда пахта терими вақтида бригада ва звеноларда меҳнатни тўғри ҳисобга олиш та'минлансин, токи колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС трактортчилари ҳосилни оширганликлари учун қўшимча меҳнат ҳақи олиш имкониятига эга бўлсинлар;

б) СССР Олий Совети Президиумининг пахтадан юқори ҳосил олинганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ва орден ҳамда медаллар блан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони барча пахтакор колхозларда, совхоз ва МТСларда яхшда тушунтирилсин;

в) колхозчиларга пул ва натура авансларининг ўз вақтида тўғри бериб борилиши доим назорат қилиб турилсин.

Колхоз правленияларига озиқ-овқат молларининг ва пулнинг (ғалла баҳоси ҳам шу ҳисобга киради) 60 процентини ишланган меҳнат кунларига қараб, аванс тариқасида колхозчилар ўртасида камида ҳафтада бир марта тақсимлаб туриш тавсия қилинсин.

III. Уруғлик пахтани тайёрлаш

11. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) энг юқори ҳосилли ва соғлом уруғлик фонди тайёрлаш мақсадида уруғлик пахта текширилган энг яхши ғўзалардан, ғўзанинг қуйи ва ўрта шохларидаги яхши етилган, соғлом ва тўқ кўсаклардан, тури, репродукцияси, дала группалари ва саноат сортлари бўйича алоҳида-алоҳида терилсин.

Етилмаган уруғлик пахтани териш қат'иян тақиқлансин;

б) уруғлик чигитларнинг сифатини яхшилаш учун терилган уруғлик пахта хирмонларда қуритилсин.

Қуритиш вақтида пахта диққат блан текширилсин ва унга аралашиб қолган етилмаган ва касалланган ,пахталар олиб ташлансин;

в) колхоз ва совхозлар томонидан ўзларига уруғлик чигит тайёрлаш учун ажратилган уруғлик участкаларида пахта махсус белгиланган тажрибали теримчилар томонидан терилсин.

Пахта заводлари ва тайёрлаш пунктлари тайёрланган уруғлик пахтани қопқанорларда ҳарбир колхоз бўйича алоҳида-алоҳида сақлашни та'минласинлар;

г) элит, биринчи репродукцияли пахта майдонларида, шунингдек колхозлар ва совхозлар томонидан ўзларига уруғлик тайёрлаш учун ажратилган уруғлик участкаларида пахта фақат агрономнинг рухсати блан терилсин;

д) колхозлар ва совхозларнинг текширилган пахта майдонларида ва уруғлик участкаларида теримга раҳбарлик ҳамда назорат қилиш ва уруғлик пахтани рассмийлаштириш текширишни ўтказган агрономларга юклансин.

12. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига колхозларда ўзларига уруғлик жамғариш учун уруғлик пахта тайёрлаш тартиби ва уни пахта заводларида тозалаш тартиби тўғрисида 15 августгача муфассал инструкция нашр этиш мажбурияти юклансин.

IV. Пахтани машина блан териш

13. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) пахта ҳосилини машина блан териш талабларига жавоб берадиган пахта майдонларини ажратиш яқин кунларда тамомлансин ва илгари ажратилган участкаларнинг бу талабларга жавоб бериши текширилиб чиқилсин;

б) машина блан теришга ажратиладиган участкалар учун нўзда тутилган агротехника қоидаларига риоя қилиш та'минлансин, токи машиналарнинг ишлаши учун қулай шароит яратиб берилсин, пахта териш машиналарининг иш нормасини ошириб бажариш ва пахтани юқори сортлар блан териши та'минлансин;

в) ўтган йили ишлаган пахта териш машиналари ва чанглаш-пуркаш машиналарини ишга тахт қилиб қўйиш яқин муддатда тамомлансин ва янги олинган машиналар синаб кўрилсин, бу машиналар инструкцияга мувофиқ сақлансин;

г) ғўза баргларини тўкиш иши ўз вақтида ўтказилсин;

д) кўсакларнинг камида 60 процента тўла етилиши, очилиши блан пахтани машина блан теришга киришилсин, машина блан териладиган далаларда пахтани қўл блан териш тақиқлансин;

е) кўрак чувиш машиналарининг узлуксиз ишлаши учун зарур миқдорда «универсал» ва СХТЗ тракторлари тахт қилиб қўйилсин.

14. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига пахтани машина блан теришни уюштириш ва ўтказиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1950 йил 5 июньда чиқарган 950-нчи сонли қарорида белгиланган миқдорда механизатор ва агрономия кадрлари тайёрлаш мажбурияти юклансин.

V. Пахта қабул қилишни уюштириш

15. Пахтани сортларга ажратиб қабул қилиш ҳақида 1949 йилда амалда бўлган шартлар 1950 йилда ҳам сақлансин. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига бу шартларга қаттиқ риоя қилишишни та'минлаш мажбурияти юклансин.

16. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) колхозлар топширган пахтага саноат сортлари бўйича белгиланган нархлар юзасидан ўз вақтида ҳақ тўлансин, пахтанинг нархи колхозчиларга кенг тушунтирилсин;

б) янги суғориладиган ерлардан топширилган пахта учун устама мукофот колхозларга бир гектар ердан 10 центнердан ортиқча топшириладиган сортнинг тайёрлаш нархига нисбатан (контрактация шартномасида нўзда тутилган пахта топшириш планининг бажарилишидан қат'ий назар) 200 процент миқдорида тўлансин;

в) 18819 нав'ли пахта экқан колхозларга 1950 йилда устама мукофот бу сорт пахта учун қуйидаги миқдорда берилсин: бир гектардан топириладиган пахта плани 12 центнердан юқори бўлганда 12 центнердан ошиқ топширилган ҳар центнер учун, колхозда бир гектардан контрактация қилинган пахтанинг миқдоридан қат'ий назар, мавжуд тайёрлаш нархига нисбатан 200 процент миқдорида устама мукофот тўлансин;

г) ери ҳархил бўлган участкаларга пахта экқан колхозларга устама мукофот бутун колхоз бўйича ўлчаб олинган ўртача ҳосилни эътиборга олиб тўлансин;

д) колхозлар блан қолган ҳисоб-китоб ишлари 1949 йилда амалда бўлган шартларга мувофиқ ва суғориладиган ҳамда суғорилмайдиган пахтакор районларда пахтани контрактация қилиш тўғрисида СССР Министрлар Советининг 1949 йил 24 апрельдаги 831-нчи сонли қарорида тасдиқланган намунавий шартномаларга мувофиқ ўтказилсин;

17. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, пахта тайёрлаш трестлари нинг бошқарувчиларига ва пахта заводларининг директорларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) пахта фақат кундуз куни, қоронғи тушмасдан қабул қилиб олинсин. Пахтани қуритиш учун сушилкалари бўлмаган тайёрлаш пунктларида намлиги ОСТда белгиланган даражадан юқори бўлган пахтани қабул қилиш қат'иян тақиқлансин;

б) машина блан терилган пахта «Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида 1950 йилда машина блан терилган пахтани қабул қилиш учун муваққат техник шартлар» да кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ қабул қилинсин.

18. Август ва сентябрь ойларида колхозларнинг транзит йўли блан тўғридан-тўғри заводларга пахта топшириш плани 70 минг тонна миқдорида тасдиқлансин.

Область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига колхозларнинг пахта топшириш учун тайёрлаш пунктларига қандай биркитилганликларини пахта тайёрлаш трестлари ва пахта тозалаш заводлари блан биргаликда 1950 йил 20 августгача қайтадан кўриб чиқиш мажбурияти юклансин, токи пахтани транзит йўли блан пахта заводларига етказиб бериш юзасидан белгиланган план бажарилсин.

19. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига терилган пахтанинг колхоз ва совхозларда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, пахтани тайёрлаш пунктлари ва заводларга тезроқ топшириш учун зарур тадбирлар кўриш мажбурияти юклансин, бунинг учун:

а) колхозларда пахта ташиш юзасидан махсус транспорт бригадалари ташкил қилинсин ва пахта ташиш учун ажратилган транспортнинг иш графиги белгилансин;

б) ҳарбир араванаш, шофер учун ва умуман транспорт бригадаси учун пахта ташиш юзасидан бир кеча-кундузлик топшириқ белгилансин.

VI. Пахтанинг сифатини яхшилаш ва юқори сортли пахтани кўпайтириш

20. Бу йил ҳарбир колхоз ва совхознинг пахтанинг камида 80 процентини отбор, биринчи ва иккинчи сортлар блан, шу жумладан сентябрь ойида фақат отбор ва биринчи сорт блан пахта териши ва давлатга топшириши энг муҳим ва мажбурий шарт деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига, колхоз правленияларига ва совхоз директорларига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) совуқ тушгунча пахта қўсаклар очилишига қараб ва тўла очилган кўсаклардан терилсин, етилмаган ва нам бўлган пахтани теришга асло йўл қўйилмасин;

б) пахтани дала апробацияси натижаларига қараб репродукция ва дала группалари бўйича алоҳида-алоҳида териш та'минлансин;

в) сувдан қолган далалардаги пахта, шунингдек касалланган ва «шира» тушган пахта алоҳида терилсин ва тайёрлаш пунктларига алоҳида топширилсин, бундай пахтани соғлом ғўзалардан терилган пахта блан аралаштиришга йўл қўйилмасин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарори

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

22. Колхоз правленияларига қуйидагилар тавсия қилинсин:

а) отбор пахта терғанлик учун теримчиларга меҳнат куни белгиланган ишҳақига нисбатан 20 процент, биринчи сорт пахта терғанлик учун 10 процент кўп ёзилсин;

б) теримчилардан пахтани қабул қилиб олиш учун пахтани сортларга ажратишни, уни сортларга қараб қоплаш ва жўнатиш қоидаларини яхши билган тажрибакор колхозчилар ажратилсин.

23. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига пахтанинг эски эталонларни ремонт қилиш ва янги эталонлар тайёрлашни тамомлаш, барча колхозлар, совхозларни, тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларини 1950 йил 1 сентябрьгача эталонлар билан таъминлаш мажбурияти юклансин.

24. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига колхоз, бригада ва звено бошлиқларини, табельчиларни ва пахта топширувчиларни пахта стандартлари, пахтани алоҳида-алоҳида териш, сортлар бўйича қоплаш ва расмийлаштириш қоидалари билан таништириш учун 25 августгача улар билан беш кунлик семинарлар ўтказиш мажбурияти юклансин.

VII. Нобудгарчиликка қарши кураш

25. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига, колхоз правленияларига ва совхоз директорларига етиштирилган пахтани тўла-тўкис сақлашни ва давлатга топширишни таъминлаш мажбурияти юклансин, бунинг учун:

а) далалардаги пахта тоза терилсин, пахтанинг чаноқларда қолдирилишига сира йўл қўйилмасин ва ерга тўкилган ҳамма пахта ўз вақтида териб олинсин, шунингдек ҳосилнинг пайхон қилиниши, ўғирланиши ва бузилишига йўл қўйилмасин, пахта ҳосили ёнғиндан сақлансин;

б) колхоз ва совхозларда ҳарбир далачилик бригадаси, ҳарбир звено ва ҳарбир теримчи томонидан кун давомида терилган пахта қат'ий ҳисобга олиб борилсин, терилган пахта албатта ўлчаб қабул қилинсин ва колхоз ёки совхоздан пахтани ўлчамай, тайёрлаш пунктига хужжатсиз юборишга йўл қўйилмасин;

в) колхоз ва совхозлар еридаги йўлларда, шунингдек даладан тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларига борадиган йўлларда тўкилган пахта ўз вақтида териб олинсин.

26. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларида пахтанинг нобуд қилинишига йўл қўймаслик учун қат'ий чоралар кўриш вазифаси юклансин.

27. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига пахта нобудгарчилигига қарши кураш ва ҳосилни қўриқлаш ишида комсомолларнинг иштироки юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни топширилсин.

28. Маҳаллий ташкилотларга пахта териш ва тайёрлаш даврида пахта тайёрлаш системаси ҳамда пахтачилик органларининг ходимларидан ўз вазифаларини билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларда фойдаланиш тақиқлансин.

VIII. Пахта теручиларга ва пахта топширувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш

29. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Маданий-оқартув муассасалари комитетига, область ва район партия ҳамда совет ташкилотларига далада колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш, дала шийпонларини жиҳозлашга, умумий овқатланишни ва болалар муассасаларини ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш мажбурияти юклансин.

30. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига пахта териш даврида теримда ишловчи колхозчиларга бевосита далада медицина хизмати кўрсатишни кучайтириш мажбурияти юклансин. Шу мақсадда колхозларга шаҳарлар ва район марказларидан медицина ходимлари юборилсин, улар зарур дори-дармон билан таъминлансин.

31. Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га қишлоқ жойларида ва колхозларда шу йил 1 сентябрьгача магазинлар очиш ҳамда колхозчиларга сотиш учун етарли миқдорда хилма-хил кенг истеъмол моллари келтириш мажбурияти юклансин.

32. «Ўзбекбирлашув»га қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) пахта йиғим-терими даврида пахта теручиларга зарур бўлган кенг истеъмол молларини далада сотиш учун кўчма дўконлар ташкил қилинсин;

б) барча тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларида пахта келтируви аравакашлар ва колхозчилар учун маданий қизил чойхоналар очилсин, бу чойхоналар асбоб-ускуна, чойнак-пиёла, адабиёт ва плакатлар билан таъминлансин, Пахтачилик министрлиги эса чойхоналар учун бинолар ажратсин.

33. СССР Алоқа министрлигининг Ўзбекистон ССРдаги вакилига (ўртоқ Калюжнийга) районлар ва колхозлардаги телефон алоқасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек колхозлар ва дала шийпонларидаги радиоузеллар ҳамда радиоприёмникларнинг яхши ишлашини доим назорат қилиб туриш таклиф этилсин.

34. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Санъат ишлари бошқармасига пахта териш ва тайёрлаш даврида республика, область театрлари ва Ўзбекистон Давлат филармониясининг кучлари билан колхозчиларга хизмат қилишни уюштириш, пахтакор районларга артистлардан иборат бригадалар юбориш топширилсин.

35. Ўзбекистон ССР Кинематография министрлигига доимий ва кўчма кинотеатрларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларни янги кинофильмлар билан таъминлаш, шунингдек колхозчиларга хизмат қилиш учун қўшимча кўчма кинолар ташкил қилиш топширилсин.

36. Область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига область ташкилотларининг пахта терими вақтидаги тадбирларини беш кун муддат ичида кўриб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш мажбурияти юклансин.

37. Область ва район партия комитетлари колхоз, совхоз ва МТС партия ташкилотларининг терим вақтида актив ишлашини таъминлашлари зарур, токи улар пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнат ташаббусига амалда бошчилик қилсинлар.

Шу мақсадда:

Терим бошлангунча ҳарбир бошланғич партия ташкилотида терим даври учун муфассал иш плани тузилсин, унда коммунистлар ва комсомолларни муҳим участкаларга тўғри тақсимлаш кўзда тутилсин ва уларнинг илғорликлари, шунингдек пахта теримида ишловчи колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари олиб борилиши таъминлансин.

38. Область ва район ижроия комитетларига, область ва район партия комитетларига ушбу қарорни колхозчилар, совхоз ва МТС ишчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиб, уни бажариш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш мажбурияти юклансин.

☆

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети қаттиқ ишонч билдирадиларки, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари, МТС ва совхоз раҳбарлари ҳосилни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 1950 йилда давлатга пахта топшириш юзасидан ўртоқ Сталинга берилган ва'дани шараф билан бажаришга бутун куч-қувватларини сарф лайдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
А. МАВЛОНОВ.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари
А. НИЁЗОВ.



Самарқанд областининг колхозларида сариқ тамаки ҳосилини йиғиштириш қизғин бормоқда. **Суратда:** Ургут районидаги Сталин номли колхознинг стахановчиси **Жума Холбобоев** тамаки баргини йиғиштирмоқда.

А. Кузьменко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Самарқанд областида

НАВОИ НОМИДАГИ УНИВЕРСИТЕТДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг сиртқи бўлимида 1.000 дан кўпроқ партия, совет ходими ўқийди. Ҳозир университетнинг сиртқи бўлимида имтиҳон сессияси бошланди. Асосий ишдан ажралмасдан ўқиётганлар имтиҳон топшириш учун Самарқандга келдилар.

ҚИШЛОҚДА МАРКАЗИЙ АГИТПУНКТ

Ургут район, Қуйиқишлоқ қишлоқ советида ташкил этилган марказий агитпункт яхши ремонт қилинган 4 хонали бинога жойлаштирилди. Агитпунктнинг жиҳозлаш учун маблағ ажратилди.

Марказий агитпункт қошида намунали кутубхона очилди ва агитаторлар учун семинар ташкил этилди. Ҳозир 24 агитатор қишлоқ советидаги 6 колхознинг бригада ва звеноларида оммавий-агитация ишларини олиб бормоқда.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ИШЛАБЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ

В. В. Куйбишев номидаги Қишлоқ хўжалик институтининг студентлари колхоз ва совхозларда ёзги ишлабчиқариш практикасини ўтмоқдалар.

Профессор Данилевский бошчилигидаги агрономия факультетининг бир группа студентлари «Боёвут» совхозида, шу факультетнинг иккинчи бир группа студентлари ўртоқ Горев бошчилигида Чархин районидаги Калинин номли колхознинг пахта далаларида тажриба олмоқдалар.

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШИ

Шаҳардаги завод, фабрикаларнинг ишчи ва хизматчиларидан кўп киши бу йил курорт ва санаторияларда дам олмоқдалар ва даволанмоқдалар.

«Красный двигатель» заводининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларидан 90 киши шу йилги мавсумда дам олиш уйлари, курорт ва санаторияларда бўлдилар.

«Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси, Охунбобоев номли кўн заводи ва бошқа корхоналарнинг ишчи, хизматчилари ҳам марказий курортларга юборилди.

Пахта пунктларини мавсумга намунали тайёрлайлик

(Мухбирларнинг хатларига обзор)

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш тўғрисида» чиқарган қарорида пахта тозалаш заводлари ҳамда тайёрлаш пунктларини тўла ремонтдан чиқариш, янги пахта ҳосилини қабул қилиш ва тозалашга тайёр қилиб қўйиш вазифаси қўйилди.

Фарғона область, Файзиобод тайёрлаш пункти коллективидан намуна олган илғор пунктларнинг коллективлари партия ва ҳукумат қарорини амалга ошириб, янги мавсумга тайёрланиш билан боғлиқ бўлган ишларни намунали ўтказмоқдалар.

Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Жума тайёрлаш пункти, Пойариқ районидаги Челак пункти ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Бу пунктларда пахта омборлари, майдончалар ремонт қилинди, ёнғинга қарши кураш асбоблари ва лаборатория тахт қилиб қўйилди, қизил чойхона очилди. Пахтакор районидаги Зиёвиддин пунктининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, янги мавсумга тайёргарлик ишларини намунали ўтказди. Коллектив янги пахта ҳосилининг камида 90 процентини а'ло ва биринчи сортга қабул қилиш мажбуриятини олди.

Қўқондаги 1/4 ва 2-нчи пахта заводларининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари капитал ремонт ишларини 25 августгача тамомлаш, оғир ишларни комплекс асосда машиналаштириш, ҳар иккала завод ҳовлисида яна учтадан чанг тутадиган асбоблар ўрнатиш, ускуналарнинг иш унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бракни тугатиш ва таннархини камайтириш йўли билан камида 400 минг сўм маблағ тежаш мажбуриятини олдилар.

Фарғона область, Киров районидаги Рапқон пахта пунктида янги ҳосилни қабул қилишга қизғин тайёрлик кўрилмоқда.

Андижон областидаги Қўрғонтепа пахта заводининг Сўфиқишлоқ пахта пункти янги ҳосилни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди. Пункт ишчиларининг маданий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан бирқанча тадбир амалга оширилди, эрлар учун учта ва хотин-қизлар учун битта умумий ётоқхона ташкил этилди. Пункт ҳузурида кутубхона, чойхона ва магазин ишламоқда.

Наманган область, Тўрақўрғон районидаги 2-нчи пахта заводининг тайёрлаш пунктида ремонт ишлари намунали ўтказилмоқда. Омборлар, идора, лаборатория биноси, тарозилар, электр двигатели, радиоузел сифатли ремонтдан чиқарилди. Пункт ёнғинга қарши кураш асбоблари билан тўла та'мин этилди. Пункт ҳузуридаги кутубхонага турли газета ва журналлар келиб туради.

Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Чоршанба пахта пункти Тўдамайдон, Қутчи, Шакартери ва Мўминобод қишлоқ советларидаги колхозларга хизмат қилади. Пунктда янги пахта ҳосилини қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Хоразм область, Хева шаҳридаги пахта заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари янги мавсумга пухта тайёрланиш юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Завод территорияси кенгайтирилиб, янги девор билан ўраб олинди. Майдон ва омборлар ремонт қилиниб, янгидан 5 та майдонча ташкил этилди. Заводда бир ҳовуз ва иккита катта қудуқ қазилди, эски қудуқ ва ҳовузлар ремонт қилинди. Заводга келадиган йўл ва кўприклар тузатилди. Полвонариқнинг иккита катта кўприги янгидан қурилди. Шунингдек, Гулистон пахта пунктида янги пахта ҳосилини қабул қилиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди.

Аммо республиканинг кўпгина тайёрлаш пунктларида бу йил пахтанинг эрта етилиши ва йиғим-теримнинг барвақт бошланишини ҳисобга олмасдан, тайёрлик ишлари сусайтириб юборилган.

Самарқанд пахта трестига қарашли Самарқанд район, Даҳбед тайёрлаш пунктида, Пойариқ районидаги Эшмоқсоқ, Комсомол районидаги Тойлоқ ва Богизогон пунктларида ремонт ва қурилиш ишлари ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда. Самарқанд областидаги бу йил биринчи марта пахта экиладиган районларда янгидан тўртта тайёрлаш пункти очилиши керак эди. Бу пунктларни ташкил этишга киришилмаган. Жиззах заводига 3,2 гектар ер ажратиб бериш масаласи ҳам ҳозиргача ҳал бўлмаганлигидан, пункт қурилиши кечиктирилмоқда.

Областдаги тўртта йирик тайёрлаш пунктида пахталарни тарамлаш ва юклаш ишлари машиналаштирилиши керак эди, аммо бу муҳим иш амалга оширилмаётир. Каттақўрғон заводида машина билан терилган пахталарни тозалаш цехи қуриш ҳақидаги топшириқ ҳозиргача бажарилмаган. «Хлопснаб»нинг (бошлиғи ўртоқ Лимарев) айби билан пахта заводлари ремонт учун зарур бўлган материалларни кечикиб олмоқдалар.

Шунингдек, Пахтакор районидаги Султонобод, Пўлатчи қишлоқ советларидаги пахта пунктларининг раҳбарлари ҳам янги мавсумга тайёргарлик ишларига бегамлик билан қараб келмоқдалар.

Фарғона область, Киров районидаги Қозоққўрғон, Борисовский пунктлари, Наманган область, Тўрақўрғон районидаги Ахси пункти, Бухоро областидаги Ромитон, Харғўш, Галаосиё ва Коммуна пунктларида янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлик ишлари қониқарсиз аҳволда.

Пахта йиғим-терими бошлангунгача қолган оз вақт ичида бу нуқсонларни тугатиб, республика пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларини колхоз далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш мавсумига пухта тайёрлаш муҳим вазифадир.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ РЕДАКЦИЯСИ ЁШ АВТОРЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИҚ ҚИЛСИН»

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 2 август сонида ёш ёзувчи Одил Ёқубовнинг юқоридаги сарлавҳа остида редакцияга хати босилган эди. Унда «Шарқ юлдузи» журналининг редакцияси Ёқубовнинг «Кувонч ва ўкинч» номли повестини босишга олиб қолиб, бироқ уни бир йилдан буён журналда босмай ва авторга повестининг тақдири ҳақида жавоб қайтармай келаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг секретари ўртоқ Мирмуҳсин ўртоқ Ёқубовнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган хати Ёзувчилар союзи президиумида муҳокама қилинганини хабар қилди. Президиум повестьнинг ҳаракатсиз қолишига журнал редакциясининг илгариги ва ҳозирги состави айбли эканлигини ҳамда улар асар устида автор билан яхши ишламаганликларини редакциямизга хабар қилди.

Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг президиуми журнал редакциясига йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, бундан кейин ёш авторлар билан ижодий ишлашни яхши йўлга қўйиш, авторлар активи билан маҳкам алоқа ўрнатиш, келган асарларни ҳисобга олишни қат'ий тартибга солиш ва ёш ёзувчиларга консультация бериш ишларини яхшилаш ҳақида тегишли кўрсатмалар берди. Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи Ёқубовнинг повестини авторнинг ўзи билан ишлаб, тез вақтда нашрга тайёрлаш ҳақида тегишли тадбирлар белгилади.

Сайловчиларнинг наказларини бажариш— маҳаллий Совет депутатларининг вазифаси

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари бизнинг мамлакатимизда энг оммавий ташкилотдир.

Ўртоқ Молотов бундай деган эди: «Меҳнаткашларнинг давлат идорасида иштирок қилишлари — янги тузумнинг негизидир. Бусиз совет ҳокимиятининг ҳарқандай ютуқларни қўлга киритиши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас».

Меҳнаткашлар халқнинг энг яхши вакилларини Советларга депутат қилиб сайлаб, давлатни идора қилиш соҳасида уларга катта ва фахрли ишларни ишонч топширадилар, улардан Ленин—Сталин типидаги арбоблар бўлишни талаб этадилар. Сайловчиларнинг наказларини бажариш — ҳарбир депутатнинг муқаддас бурчидир.

Ўртоқ Сталин 1937 йил 11 февральда Москва шаҳар Сталин сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Депутат ўзининг халқ хизматкори эканлигини, халқнинг Олий Советга юборган элчиси эканлигини билиши лозим ва у халқнинг кўрсатган йўлидан бормоғи лозим».

Сайловолди йиғилишларида, шунингдек депутатнинг ҳисобот мажлисларида сайловчилар томонидан илгари сурилган таклифларни амалга ошириш—депутатларнинг асосий вазифасидир. Депутатлар ўзларининг кундалик ишларида сайловчиларнинг наказларига ва танқидий фикрларига амал қилишлари лозим. Ўзбекистонда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказилган вақтда сайловчилар Советларининг ишларидаги кўпгина камчиликларни танқид қилдилар ва уларнинг ишларини яхшилаш мақсадида таклифлар киргиздилар. Советларнинг кўпгина депутатлари сайловчиларнинг наказларини бажариш учун катта ишлар қилдилар. Масалан, Каттақўрғон шаҳрининг сайловчилари шаҳар Советининг депутатларидан Катаев ва Ма'диев ўртоқларга 2 километр узунлигидаги бир кўчага тош ётқизиш ва уни тартибга солиш ҳақида топшириқ берган эдилар. Бу депутатлар ташаббус ва ғайрат кўрсатиб, бу ишга жамоатчиликни жалб этдилар. Шаҳар ижроия комитети автомашиналар ажратди, шаҳар аҳолисидан 600 киши кўчани обод қилишда актив қатнашди.

Жамоатчиликнинг ана шундай зўр ғайрат-ҳиммати орқасида 75 минг сўмлик иш атиги 6 минг сўмга тушди ва 2,5 километр узунлигидаги кўча тартибга солинди.

Каттақўрғон шаҳар советининг депутатларидан Мелиев ва Бурлинин ўртоқлар канал устига тезроқ кўприк қуришга ёрдам бердилар. Кенг жамоатчиликнинг бу ишга жалб этилиши натижасида 100 минг сўмдан ортиқ пул тежалди.

Каттақўрғон шаҳар ижроия комитети сайловчиларнинг наказларини бажариб, активларнинг ва сайловчиларнинг иштироки билан маданият ва истироҳат паркини, ўнйиллик мактаб биносини, стадион, лекторияларни қурди, Карл Маркс номли кўчага ва Зерабулоқ кўчасига тош ётқизилди, 18-нчи округ сайловчиларининг илтимоси билан Сталин номли маҳаллада кексалар учун қишки чойхона очилди. Шаҳар театри қурилиши тамомланмоқда.

Каттақўрғон шаҳар Советининг депутатлари сайловчиларнинг талабларига қулоқ солиб, улар билан доим алоқа қилиб туришдилар.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан пахта ҳосилини оширишда маҳаллий Советлар депутатларининг роли гоят каттадир. Қишлоқ ва район Советларининг депутатлари сайловчилар билан яхши алоқа боғлаган жойларда пахтакорларнинг юқори ҳосил етиштириш йўлидаги курашига катта ёрдам бермоқдалар. Олтинариқ район, Файзиобод қишлоқ Советининг депутати, «Қизил кўшин» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Т. Кулбекова Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Колхоз ишлабчиқаришининг новатори депутат Кулбекова бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта етиштириб давлатга топширишни мажбуриятини олди. Ўртоқ Кулбекова ўз ва'дасини бажаришга ҳаракат қилиб, ғўзани 7 культивация ва 7 чопиқдан чиқарди, икки марта чеканка қилди, икки марта маҳаллий ўғит солди.

Фарғона районидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг раиси, қишлоқ Советининг депутати ўртоқ Х. Тожибоев 1949 йилда 130 гектар ерининг ҳар гектаридан 31 центнер пахта олишни та'минлаган эди. Ўртоқ Тожибоев бу йил партов ерларни ўзлаштириш ҳисобидан пахта майдонини 275 гектар кенгайтирди. У, ҳар гектаридан 50 центнердан пахта олиш учун курашмоқда. Колхознинг ғўзаси 6 культивация ва 6 чопиқдан чиқарилди.

Фарғона область, Тошлоқ район Советининг депутати, «Янгийўл» колхозининг раиси А. Тошбоев, Водил район Советининг депутати ўртоқ Норматов ва бошқа кўпгина депутатларнинг шонли ишлари ҳам сайловчилар наказини бажаришда уларнинг ташаббус кўрсатаётганликларини исбот этади. Улар колхозларда мактаб, ясли, электр станциялар қурилишига амалий ёрдам бермоқдалар, колхоз қишлоқларини маданий қишлоқларга айлантирмоқдалар.

Булунғур район Советининг депутати врач Мирсалимова аҳолига медицина хизматини яхшилаш тўғрисида сайловчиларнинг берган наказини бажариб, Кульчабий қишлоқ Советида амбулатория қурилишига ва район касалхонасидаги ўринлар сонининг кўпайтирилишига муваффақ бўлди. Ўртоқ Мирсалимованинг ташаббуси билан райондаги 16 колхозда ҳаммом қурилди.

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан мунтазам суратда учрашиб, ҳисоб бериб туришлари — Советларнинг халқ билан бевосита алоқа боғлашининг асосий формасидир. Депутатларнинг сайловчилар олдида системали суратда ҳисоб беришлари — совет демократиясининг асосий принципидир.

Депутатлар сайловчилар билан учрашганларида кўп парсани ўрганадилар. Меҳнаткашларнинг ўз депутатлари олдига қўйган талаб ва таклифлари маҳаллий Советларнинг жанговар иш программаси бўлади. Бу программани амалга ошириш — барча раҳбарларнинг, барча депутатларнинг бурчидир.

Депутат Советларнинг ишида ўз сайловчиларининг манфаатларини тўла ифода қилаолиши керак. Шу билан бирга депутат сайловчиларнинг манфаатларини умумдавлат вазифалари билан ҳам боғлаб бориши керак.

Партия, ўртоқ Сталин бизга давлатнинг манфаатларини, халқ манфаатларини ҳарнарсадан азиз билиш керак, деб та'лим бермоқдалар. Депутат сайловчилар олдида ҳисобдор эканлигини доим эсда тутсин. Сайловчилар ҳам ўз депутатларининг ишларини кузатиб туришлари, уларнинг ташаббусларига ёрдам беришлари лозим.

Ўртоқ Сталин бундай деган эди: «Демак сайловчиларнинг вазифаси ва ҳуқуқи ўз депутатларини ҳар вақт назорат қилиб туришдан, ўз депутатларига ҳеч қачон сиёсий тутуриқсизлар даражасигача тушиб кетмаслик кераклигини уқдириб туришдан, ўз депутатларига улуғ Ленин каби бўлиш лозимлигини уқдириб туришдан иборат».

Советларнинг кўпгина депутатлари ўз бурчларини бажариб, ўз ишлари тўғрисида доим ахборот бериб турадилар, шу тўғрида маҳаллий матбуотга мақолалар ёзадилар ва сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида, Советнинг ишлари ва ўз фаолияти тўғрисида сайловчиларга ҳисоб бериб турадилар.

Фарғона область Киров, Тошлоқ ва Қўқон район Советлари депутатларининг кўпчилиги 1949 ва 1950 йилларда сайловчилар олдида ҳисоб бердилар. Каттақўрғон шаҳар Советининг 87 депутати ҳақида ҳам шу гапни айтиш керак.

Советларнинг ижроия комитетлари сайловчиларнинг наказларини ўз вақтида умумлаштиришлари ва ҳисобга олиб боришлари, ҳисобот йиғилишларини уюштиришда депутатларга ёрдам беришлари, сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлигини доим назорат қилишлари керак.

Аммо, баъзи ижроия комитетлари бу соҳада депутатларга ёрдам бермаётирлар. Баъзи район ижроия комитетларида сайловчиларнинг наказлари ва танқидий фикрлари умумлаштирилган эмас. Хоразм область Урганч ва Хева район ижроия комитетларида, Андижон область Избоскан районининг «Ўртоқлар», «Эркин», «Янги замон» қишлоқ советларида, Фарғона область Охунбобоев районидаги Сталин номли, «Ёз'ёвон» ва «Хонобод» қишлоқ советларида сайловчиларнинг киритган таклифларидан асар ҳам топиб бўлмайди. Ана шу районларнинг ижроия комитетлари сайловчиларнинг наказларини бажариш ўзларининг энг муҳим вазифалари эканлигини тушунмаганлар.

Сайловчилардан олинган наказлар ижроия комитетида рўйхатга олиниши ва кўздан кечириб таҳлил этилганидан кейин уларнинг нусхалари бажариш учун тегишли бўлимлар, муассасалар ва корхоналарга юборилиши керак. Наказларнинг асл нусхалари Совет ижроия комитетида сақланиши керак.

Бу соҳада Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг тажрибаларидан фойдаланиш лозим. Шаҳар Советини сайлаш даврида сайловчилардан 100 наказ олинди. Наказларни тезроқ бажариш учун 20 масала шаҳар ижроия комитетида, 5 масала шаҳар Советининг сессиясида кўрилди, 19 масала доимий комиссиялар томонидан ҳал этилди.

Сайловчиларнинг наказларига бюрократларча бепарво қараш қаттиқ қораланиши, конкрет айбдорлар эса жавобгарликка тортилиши лозим. Каттақўрғон шаҳар ижроия комитети сайловчиларнинг шаҳар ободончилиги юзасидан берган топшириқларига бепарво қараган шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг мудири Кристаловни вазифасидан бўшатиб тўғри иш қилди.

Меҳнаткашларни Советларининг ишларига кенг жалб этиш, уларнинг кундалик ишларида активларни фаол қатнаштириш — совет органларининг ишларини янада яхшилаш воситаларидан биридир. Социализм галаба қилган бизнинг мамлакатимизда, чин демократия мамлакатида, Сталин Конституцияси ижроия комитетларига давлат ҳокимияти органларининг ишларида меҳнаткашларнинг актив қатнашуви учун тўла имконият берилган.

Республикамизда меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларига 39.909 депутат сайланди. Булар халқнинг энг яхши вакилларидир. Сайловчилар уларга давлатни идора қилишдан иборат фахрли вазифани топширдилар.

Депутатларнинг энг кўпи — 33.331 киши район ва қишлоқ Советларининг депутатларидир. Булар қишлоқ хўжалик илғорлари—колхоз раислари, бригада ва звено бошлиқлари, колхозчилар, қишлоқ Советларининг раислари, тракторчилар, совхозларнинг ходимлари, агрономлар, врачлар, ўқитувчилардир. Булар бевосита қишлоқда ишлаб, қишлоқ хўжалигини ва хусусан пахтачиликни ривожлантириш соҳасида актив қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети республикамиздаги қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча ходимларига Мактуб билан мурожаат қилиб, уларни пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллигигача бажаришга чақирдилар.

Советларнинг пахта далаларида бевосита ишлаётган барча депутатлари, шунингдек колхоз раҳбарлари, қишлоқ Советлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари бўлиб ишлаётган депутатларнинг ҳаммаси бу мурожаатни амалга ошириш учун большевикча курашишлари керак.

Советларнинг депутатлари илғорларнинг тажрибаларидан ва олимларнинг маслаҳатларидан фойдаланиб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун социалистик мусобақага етакчилик қилишлари керак. Маҳаллий Совет депутатларининг давлатга пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятларни республикамиздаги барча пахтакорлар ва меҳнаткашлар билан биргаликда бажаришдан ҳам фахрлироқ вазифалари йўқ.

Бизнинг Ватанимиз тинчлик учун курашчиларга етакчилик қилмоқда. Фабрика ва заводларнинг стахановчилари тинчлик вахтасида ҳақрамонона ишламоқдалар ва янги уруш оловини ёқучиларнинг қурукларига ўз меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Колхозчи меҳнаткашлар мўл ҳосил етиштириб, давлатимизнинг қудратини мустаҳкамламоқдалар. Ана шу ватанпарварнинг ҳаракатига бошчилик қилиш, халқ хўжалик планларини, маданий қурилиш планларини бажариш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада ошириш ишларининг ташкилотчилари ва раҳбарлари бўлиш, совет қонунларига риоя қилинишини та'минлаш ҳамда сайловчиларнинг ҳамма наказларини шараф билан бажариш—Совет депутатларининг шарафли бурчидир.

Советлар коммунистик жамият қурилишининг ҳамма соҳаларида ўзларининг ташкилотчилик роҳларини оширишлари керак.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўз ишларини ўртоқ Сталин томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифалар даражасига кўтариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Ф. ВАСИГОВ.
Д. БОРОДИН.